**“O’ZBEKENERGOTA’MIR” акциядорлик жамияти**
**акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши**
**№2-2022 сонли баённомасидан**
**КЎЧИРМА**

Умумий йиғилиш ўтказилган жой: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар ШФЙ, Тош ГРЭС кўчаси, жамият ишлаб чиқариш базаси.
Умумий йиғилиш ўтказилган сана ва вақти: 26 июль 2022 йил соат 10:00.
Умумий йиғилиш тури: Йиллик.

“O’ZBEKENERGOTA’MIR” акциядорлик жамиятининг бош директор в.б. Ж.И. Сохибов умумий йиғилиш иштирокчиларини қутлади ва акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кворум бор ёки йўқлигини аниқлаш учун саноқ комиссияга сўз берди.

Саноқ комиссия аъзоси Ш.Ш. Рузимуродов акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестри Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан 2022 йил 20 июль санасига шакллантирилганлигини айтиб ўтди. Жамиятнинг барча овоз берувчи акциялари сони 5 820 600 донани ташкил этади

Саноқ комиссияси томонидан бугунги умумий йиғилишда 5 820 360 дона овоз берувчи акцияларга эга 3 акциядорлар рўйхатга олинганлиги, умумий йиғилиш кворуми 99,99 эканлиги таъкидланди.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ваколатли.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида рўйхатдан ўтган акциядорлар:

1. “ENERGYPROJECT INVEST GROUP” масъулияти чекланган жамият директори – Суяров Шерзод Турсунович;
2. “ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI” акциядорлик жамияти бошқарув раиси – Абдурахманов Фарход Мамурович,
3. “SIRDARYO ISSIQLIK ELEKTR STANSIYASI” акциядорлик жамияти вакили – Аликулов Сирожиддин Зариф ўғли, *(Ишончнома №01-11/2750 рақам билан 2022 йил 25 июлда рўйхатга олинган)*;

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига таклиф этилганлар:

Сохибов Жўрабек Иномжонович – бош директор в.б.

Махмудов Хушнуджон Абдурахмонович – иқтисодиёт ва молия бўйича директор

Қурбоналиев Махмуд Музаффарович – бош хисобчи

Набиев Жамшид Тадживаевич – акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассис.

Ж.И. Сохибов умумий йиғилишни очиқ деб эълон қилди ва овоз бериш тартибини қуйидагича таклиф қилди:

- умумий йиғилиш раиси ва котибини сайлаш очиқ овоз бериш йўли билан;
- умумий йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича, овоз бериш бюллитенлари орқали амалга ошириш.

Қарор: Умумий йиғилишнинг овоз бериш тартиби қуйидагича тасдиқлансин:

- умумий йиғилиш раиси ва котибини сайлаш очиқ овоз бериш йўли билан;

- умумий йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича, овоз бериш бюллитенлари орқали амалга ошириш.

Умумий йиғилиш раиси этиб Абдурахманов Фарход Мамурович сайлаш таклиф қилинди.

Қарор: Умумий йиғилиш раиси этиб Абдурахманов Фарход Мамурович сайлансин.

Умумий йиғилиш баённомасини юритиш учун умумий йиғилиш котиби этиб жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси Набиев Жамшид Тадживаевични сайлаш таклиф қилинди.

Қарор: Умумий йиғилиш котиби этиб Набиев Жамшид Тадживаевич сайлансин.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиш кун тартиби жамият кузатув кенгашининг 2022 йил 30 июндаги мажлис қарори билан тасдиқланганлиги ҳамда корпоратив ахборот ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган ва "Биржа" газетасида чоп этилганлиги таъкидланди.

**Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши**
**кун тартиби**

-----

9. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколатларини тугатиш.
10. Жамият ижроия органи рахбарини *(бош директорини)* сайлаш.
11. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.

-----

-----

**Кун тартибининг тўққизинчи масаласи бўйича** Ўзбекистон Республиксининг 2022 йил 29 мартдаги "Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни билан Ўзбекистон Республиксининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунига ўзгартишлар киритилгани айтиб ўтилди. Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ жамиятнинг молия хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун жамият уставида жамиятнинг тафтиш комиссиясини тузиш *(аввал тузилиши шарт эди)* назарда тутилиши мумкинлиги айтилди.

Таклиф ва музокаралардан сўнг жамият тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколатларини тугатиш таклиф қилинди.

Умумий йиғилиш раиси акциядорларга ушбу масала бўйича овоз беришларини сўради.

**Кун тартибининг ўнинчи масаласи бўйича** умумий йиғилиш раиси Ф.М. Абдурахманов сўзга чиқди. Жамият устави ва Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни 59-моддасига биноан жамият бош директорини сайлаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киришини айтиб ўтди.

Жамият кузатув кенгашининг 2022 йил 19 январдаги мажлисида жамият акциядорларининг умумий йиғилишигача "O'ZBEKENERGOTA'MIR" акциядорлик

жамияти бош директори вазифасини бажарувчи этиб Сохибов Жўрабек Иномжонович тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилингани эслаб ўтилди.

Кузатув кенгашининг 2022 йил 30 июндаги мажлис қарорига асосан акциядорларининг умумий йиғилишига жамият бош директорини сайлаш масаласида Сохибов Жўрабек Иномжонович номзоди таклиф қилинган.

Музокаралардан сўнг акциядорлар томонидан Сохибов Жўрабек Иномжоновични "O'ZBEKENERGOTA'MIR" акциядорлик жамияти бош директори вазифасини бажарувчи этиб сайлаш таклиф қилинди.

Умумий йиғилиш раиси акциядорларга ушбу масала бўйича овоз беришларини сўради.

**Кун тартибининг ўн биринчи масаласи бўйича** "ENERGYPROJECT INVEST GROUP" масъулияти чекланган жамиятининг 2022 йил 30 июндаги, кузатув кенгаши аъзоси Қобилов Шавкат Равшан ўғлини ваколатини тугатиш ҳамда унинг ўрнига Мусаев Маъруфжон Махмудовични сайлаш ҳақидаги №6/06-22 сонли хати тақдим этилди

Қобилов Шавкат Равшан ўғли "ENERGYPROJECT INVEST GROUP" масъулияти чекланган жамияти таклифи асосида кузатув кенгаши аъзолигига сайланганлиги таъкидлаб ўтилди.

Музокаралардан сўнг жамият кузатув кенгаши аъзоси Қобилов Шавкат Равшан ўғли ваколатини тугатиш ҳамда жамият кузатув кенгаши аъзоси этиб Мусаев Маъруфжон Махмудовични *("ENERGYPROJECT INVEST GROUP" МЧЖ бизнесни ривожлантириш бўйича менеджери)* сайлаш таклиф қилинди.

Умумий йиғилиш раиси акциядорларга ушбу масала бўйича овоз беришларини сўради.

-----

**Овоз бериш натижалари**

-----

9. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколатларини тугатиш
"Ёқлаганлар" - 5 820 360 овоз ёки 100%,
"Қаршилар" - 0 овоз ёки 0%;
"Бетарафлар" - 0 овоз ёки 0%.

10. Жамият ижроия органи рахбарини *(бош директорини)* сайлаш.
"Ёқлаганлар" - 5 820 360 овоз ёки 100%;
"Қаршилар" - 0 овоз ёки 0%;
"Бетарафлар" - 0 овоз ёки 0%.

11. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.
"Ёқлаганлар" - 5 820 360 овоз ёки 100%;
"Қаршилар" - 0 овоз ёки 0%;
"Бетарафлар" - 0 овоз ёки 0%.

-----

**Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар**

-----

9. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколатлари тугатилсин.

10. Сохибов Жўрабек Иномжонович "O'ZBEKENERGOTA'MIR" акциядорлик жамияти бош директори вазифасини бажарувчи этиб сайлансин.

11. Жамият кузатув кенгаши аъзоси Қобилов Шавкат Равшан ўғли ваколати муддатидан илгари тугатилсин, жамият кузатув кенгаши аъзоси этиб Мусаев Маъруфжон Махмудович сайлансин.

-----

Умумий йиғилиш раиси иштирокчиларини қутлади ва акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қилди.

Баённома тузилган сана: 03 августа 2022 йил

Бош директор в.б. Ж.И. Сохибов

Сохибов Жўрабек Иномжонович паспорт маълумотлари:

Фамилия: Soxibov

Исм: Jo'rabek

Шарифи: Inomjonovich

Ҳужжат тури: Паспорт

Рақами. AA1891955

Берилган санаси: 21.06.2013 йил

Берилган жойи: Sirdaryo viloyati Shirin shahar IIB